



# Посида

Конунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!  
MILLIY KITOB PALATASI

Газета 1930 йил 12 майдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2002 йил 8 август, пайшанба • 32 (3456)-сон

## БИЛИМ ВА МАҲОРАТ СИНОВИ



Ўзбекистон Республикаси ИИБ Илмий экспертиза портлаш техникаси марказий лабораторияси, ИИБ ва Тошкент шаҳар ИИББ портловчи ҳурилмааларни ва портлаш хавфи бўлган объектларни зарарсизлантириш ҳамда йўқ қилиш бўйича бўлинмалар ходимлари навбатдаги ўқув машғулоти ўтказишди.



2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили

## ЭЛ ЭЪЗОЗЛАГАН ИНСОНЛАР



Ўзбекистон Республикаси ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги марказида ажойиб анъана бор. Кўп йил-

лар ички ишлар идораларида хизмат қилиб, ҳозирда қарилик гаштини сураётган пенсионерларни таваллуд кунларида йўқлаб турилади.

Куни кеча марказга истеъфодаги генерал-майор У. Раҳимов, истеъфодаги милиция полковниги А. Неверов ва истеъ-

фодаги ички хизмат подполковниги З. Захарянлар тақлиф этилди. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБХ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Ф. Мамаюсов, ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги марказининг раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ғ. Раҳимов вазирлик раҳбарияти ва барча фахрийлар номидан кексаларни туғилган кунлари билан самимий қутладилар. Уларга “Ўзбекистон ИИБ фахрийси” хайрия жамғармаси томонидан ажратилган ёрдам пули топширилди.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: таваллуд кунлари нишонланган кексалар.

А. ЗОЛОТАРЁВА олган сурат.

## ИБРАТЛИ ТАДБИР

Куни кеча пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида “Маҳалла кун” тадбири ўтказилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда “Оқсоқоллар кенгаши”, “Маҳалла” жамғармаси томонидан ҳар йили ташкил этилаётган бу анъанавий тадбирга шаҳардаги барча маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгашлари фаоллари, тадбиркорлар тақлиф қилинди. Улар орасида эл-юрт осойишталиги йўлида ички ишлар ходимлари билан ёнма-ён хизмат қилаётган маҳалла посбонлари ҳам бор эди. Тадбирда “Ибратли маҳалла оқсоқоли”, “Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли”, “Энг обод кўча”, “Энг обод маҳалла”, “Энг яхши маҳалла посбони” танлови бўлди.

Сергели туманидаги Ҳабибий номи маҳалла посбони Собиржон Шаропов “Энг яхши маҳалла посбони” деб топилгани кўпларни қувонтирди. Собиржонга тадбир ташкилотчиларининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

\*\*\*

Мамлакатимиз фуқароларининг осойишталигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда профилактика инспекторларининг ўзига хос ўрни бор. Буни ҳисобга олган Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани ҳокимлиги ИИБ профилактика инспекторлари хизматини енгилаштириш, автотранспортда бориш имкони бўлмаган ҳудудларда ҳаракатланишни осонлаштириш мақсадида уларга саккизта от ҳада қилди. Тумандаги “Қорақалпоғистоннинг 40 йиллиги” ширкат хўжалиги тортиқ қилинган отларни ўзи озуқа билан таъминлайдиган бўлди.

Т. СРАШОВ,

милиция подполковниги.

## “МИЛИЦИЯ ОҚСОҚОЛЛАРИ” ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

“Ўзбекистон Республикаси ИИБ фахрийси” хайрия фонди мамлакатимиз ички ишлар идоралари фахрийлари ҳақидаги энг яхши мақолалар (очерк, лавҳа, ҳужжатли қисса) учун очиқ адабий танлов эълон қилади.

Ғолибларни рағбатлантириш учун қуйидаги мукофотлар белгиланган:

Биринчи ўрин – 100.000 сўм

Иккинчи ўрин – 75.000 сўм

Учинчи ўрин – 50.000 сўм

Учта рағбатлантирувчи ўрин – 25.000 сўмдан.

Танлов натижалари шу йилнинг ноябрь ойида, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ходимларининг касб кунини яқунланади.

Танлов учун материаллар қуйидаги манзилга юборилсин: Тошкент шаҳри Ю. Ражабий кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган таҳририяти, “Милиция оқсоқоллари” танловига.

Ташкилий қўмита.

## ИНСОН ИШСИЗ ҚОЛСА...

Бу муаммони  
ким ҳал қилади?

2


**UCHINCHI** «Посида» gazetasing ilovasi  
TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI  
+ TV OLAM

## МИЛТИҚ БЕВАҚТ ОТИЛМАСИН

3







## «АЛЛО, МИЛИЦИЯ ЭШИТАДИ!»

**Ички ишлар ходимлари навбатчилик қисмини «тизимнинг юраги» дейишади. Бу хизматга Тошкент шаҳар ИИББ Штаб бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Х. Исаев айтганларидек, энг салоҳиятли, билимли, интизомли, ҳозиржавоб, сабр-тоқатли ходимлар танлов асосида қабул қилинади.**

Пойтахт ИИББ тезкор навбатчилик қисмига бориб, биринчи галда ушбу машаққатли хизмат ходимлари учун яратилган иш шароити ва хизмат фаолияти билан яқиндан танишдик. Бир нечта телефон баравар жиринглаб, операторлар кўнғироқ қилаётган фуқароларнинг саволларига батафсил жавоб бери-

лиция кичик сержанти Нозигул Абдуллаева зудлик билан арзчининг манзили, телефон рақами, исм-шарифини ёзиб олади. Ва «ҳозир тезкор гуруҳ етиб боради» дейди уни юпатиб. Ҳар бир чақириққа шай турган тезкор гуруҳ воқеа жойига қанча тез етиб борса, у ердаги вазиятни ойдинлаштириш шунчалик осонлашади.

— Алло, милициями? Ёрдам беринглар, томоғимга пичоқ тираб, машинамни олиб кетишди!..

Тезкор навбатчи, милиция капитани Аброржон Ортиқов шу заҳоти тезкор гуруҳни оёққа турғизади. Шайхонтоҳур тумани ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги Э. Қажомов, бўлим бошлиғи О. Жалилов, терговчи У. Турғунов, эксперт Б. Мирҳамидов, профилактика инспектори Х. Юнусов ва патруль-пост хизмати милиционерларидан иборат тезкор гуруҳ дарҳол ишга киришади. Фуқаро К. О. га тегишли «Тико» русумли автомашинани ўмарган ёш йигитлар — О. М. ва К. И. «ўлжа»ни олиб қочишганига етти дақиқа ўтгач, қўлга олинди.

— Баъзан жиноятларнинг очилишига арзимас бир туртки сабабчи бўлади, — дейди тезкор навбатчи, милиция капитани А. Ортиқов. Шу пайт унинг гапини тасдиқлагандек, кўнғироқ жиринглайди.

— Алло, милициями? — гўшақда ташвишли овоз эшитилади. — Кўшним уч-тўрт кундан бери кўринмайди. Уйдан ёмон ҳид келяпти...

Шаҳар ИИББ бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги Ф. Қодиров бошчилигида-

эшикни устидан қулфлаб кетганига иқроор бўлди...

Тун ярмидан оғди. Лекин операторлар — Нозигул Абдуллаева, Елена Кулагина, Гулнора Усмонова ва Алишер Мўминовлар доимо сергак. Улар бирорта кўнғироқни эътиборсиз қолдирмайдилар. Навбатдаги кўнғироққа жавоб бераётган Елена Кулагина:

— Адашдингиз, — дейди мулойим кулиб, — бу жой милиция...

— Навбатчиликда сира ҳам зерикмайсиз, — дейди навбатчи инспектор,

зи эшитилди. — Ўн биринчи туғруқхонадаги бир бемор аёл оғир аҳволда эканлигини айтишди. Учинчи гуруҳдаги қон керак, кимнинг қони тўғри келса ёрдам беринглар, савоб бўлади...

Тезкор навбатчилик қисми ходимларининг хатти-ҳаракатларини кузатар эканман, кўзлари қизариб, ҳар бир кўнғироққа муфассал жавоб бераётган, зарурат туғилганда тезкор ходимларни оёққа турғизаётган Нозигул, Елена, Гулнора, Алишер, Аброр, Рустам ва Ҳаётжонлар, шаҳар ИИББ ППХ алоқа оператори, милиция сержанти Адҳамжон Турғунбоев ва ички ишлар тизимида навбатчилик қилаётган, кўнғироқларга ҳозир но-зир бўлиб жавоб қайтараётган инсонларга тасаннолар айтдим. Улар ўзлари танимаган, билмаган ҳамюртларининг ташвишига шерик бўлиб, дардига малҳам изламоқдалар...

Телефонлар тинимсиз жиринглайди. Ташқарида эса оппоқ тонг отмоқда. Тонг элимизга тинчлик, хотиржамлик, файз-баракка олиб келсин. Ором билмас милиция ходимлари эса доимо соғ-омон бўлишсин.

**Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА, Самариддин ХАЛИЛОВ.**

**Суратда:** тезкор навбатчи оператор, милиция кичик сержанти Нозигул Абдуллаева.

## ПИЁЗ ОСТИДА... АЛЮМИНИЙ

**Жиззах вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан республикамиз ҳудудидан ноқонуний равишда моддий-товар бойликларини олиб чиқиб кетиш ҳолатлари ва бошқа жиноятларнинг олди олинмоқда.**

Яқинда «Манас» йўл-патруль хизмати масканида Денов шаҳридан келаётган Р. Э. бошқарувидаги «МАЗ» русумли автомашина тўхтатилди. Дастлабки суриштирувда хайдовчи ва юк эгаси А. Р. юкхонадаги 7 тонна

пиезни Тошкент шаҳри бозорига олиб кетяпмиз, дея жавоб бердилар. Бироқ йўл-патруль хизмати инспектори, милиция старшинаси Карим Хусайнов уларнинг гапларида қандайдир ҳадик борлигини сезди. Шунинг учун

Шунингдек, йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан Ш. Эргаш, Р. Мирзаҳамдам ва Ф. Муҳиддин бошқарувидаги «КамАЗ» автомашиналари тўхтатиб текширилганда улар қалбаки ҳужжатлар билан 40 тонна минерал ўғитни ноқонуний равишда Андижон вилоятига олиб кетишаётгани маълум бўлди. Ушбу юк Арнасой туман «Қишлоқхўжаликкимё» ҳиссадорлик жамияти омборидан кўнғир йўллар билан олиб чиқилганлиги аниқланди.

**Б. БЕГИМҚУЛОВ.**

## ҚАСОСКОР ОНА

Наманган шаҳрининг Давлатобод туманида яшовчи 1936 йилда туғилган пенсионер Л. маст ҳолатда ўзининг 38 ёшли ўғли билан жанжаллашиб қолди. Кексалиги сабаблими аёлнинг фарзандига кучи етмади. «Ҳап, сеними!» деб ундан уч олишни кўнғилига тугиб қўйди. Кейин эса қулай пайт пойлаб ухлаб ётган ўғлига ташланиб, болта билан унинг боши ва бўйнига қаттиқ жароҳат етказди. «Мағлуб» ўғил касалхонага, «ғолиб» она эса терговга олиб кетилди.

## ИШТАҲАСИ КАРНАЙ ДОМЛА

Самарқанд шаҳридаги коллежлардан бирининг бўлим бошлиғи, 1956 йилда туғилган М. ўқишга кирувчиларнинг кўплигидан унумли фойдаланиб қолмоқчи бўлди.

## Пайшанбадан пайшанбагача

Хомтаъма домла Г. исмли номзодни ўқишга киритиб қўйиш учун катта миқдорда пул талаб қилди. У наҳанг каби 250 000 сўмни «ютай» деб турганида қармоққа илинди...

## ҲОЖАТБАРОР ФИРИБГАРЛАР

Нукус Давлат университетида ўтказилган тест имтиҳонлари пайтида ҳеч қаерда ишламайдиган уч нафар фуқаро қўлга олинди. Улар бир нечта абитуриент ўрнига қалбаки ҳужжатлар асосида имтиҳонга бошқа бировларни киритишга урингани аниқланди.

## ЁМОННИНГ КУЧИ...

Самарқанд вилояти Булунғур туманида яшовчи 34 ёшли Б. турмуш ўртоғи

билан жанжаллашиб қолди. Ҳазаб отига минган эр аламини ўғай қизидан олди. У икки яшар гўдакни даст кўтарди-да, ерга улоқтирди. Дунёга келиб фақат уриш-жанжални кўрган норасида шу тариқа ёруғ дунёдан кўз юмди.

## ТИЛСИЗ ЖОНИВОРЛАР ГУВОҲЛИККА ЎТДИ

Навоий вилояти Конимех туманидаги хўжаликнинг Б. Дусановга бириктирилган 53 бош қўйлари бир кечада ғойиб бўлди. Отарсиз қолган чўпон бу ҳақда милицияга хабар бергандан сўнг қидирув ишлари бошланди. Кўп вақт ўтмай қўй ўғрилари — Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида яшовчи ака-ука Ш. ва И. лар қўлга

олинди. Улар дастлаб ўзларини қўй оғзидан чўп олмагандек қилиб кўрсатдилар. Бироқ қўй суруви топилгач, ер чизиб қолишди. Жониворлар хўжаликка қайтарилди.

## ПУЛ ТОПИШ ОСОНМИ?

Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида жойлашган «Қўйлик» улгуржи бозори ҳудудида юрган қўқонлик 1976 йилда туғилган О. ўз ташвиши билан юрган З. Абдурахмоновнинг қўлидаги катта миқдорда пули бўлган сумкасини кўрди-ю, юраги ҳаприқиб кетди. Қулай пайт пойлаб юриб, бир ҳамла билан сумкани унинг қўлидан юлқиб олди-да, «куён» бўлди. Аммо кўп ўтмай О. қўлга тушди, 270 000 сўм пул эса эгасига қайтарилди.

**И. МИНАВАРОВ,** милиция майори.

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

**Сирдарё тумани ИИБ томонидан қуйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қилдирилмоқда.**

**Татьяна Петровна БОЙМУРОДОВА.** 1972 йилда туғилган. Сирдарё тумани Синдаробод жамоа хўжалигида яшаган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, озгин гавдали, оқ-сарикдан келган, сочлари сарик, елкасига тушган.

**Кийимлари:** эғнида энги узун қизил гулли кўйлак, лозим, бошида қизил рўмол, оёғида қалиш бўлган.



**Унинг ўғли Жаҳонгир Фахриддинович МУХТОРОВ.** 1992 йилда туғилган.

**Белгилари:** бўйи 110-115 см, сочи, қоши, кўзи қора.

**Кийимлари:** эғнида кўк каттак кўйлак, қора шим, оёғида қалиш бўлган.

Она-бола 2002 йил 2 май куни уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.



**Шоира Тоировна КАРИМОВА.** 1979 йилда туғилган. Сирдарё тумани Охунбоев номи жамоа хўжалигида яшаган. 2002 йил 30 июнь куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, сочи, қоши, кўзи қора, қошлари тушган, ўрта гавдали.

**Кийимлари:** эғнида оқ-кўк рангли йўл-йўл кофта-юбка, бошида қизил гулли рўмол, оёғида қора туфли бўлган.

**Юқорида номлари қайд этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан Сирдарё тумани ИИБ ёхуд яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**



# UCHINCHII «Посижа» gazetasi ilovasi

## + TV OLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

### СУВОСТИ ДУНЁСИННИГ БАХАЙБАТ МАХЛУҚЛАРИ

Маълумки, баъзи умуртқасиз сувости жониворлари анча баҳайбат бўлади. Масалан, Австралиянинг Катта Тўсиқ рифида учровчи “қотил” дея лақаб олган моллюскалардан айримларининг вазни уч юз килограммдан ҳам ошади! Мабодо ғаввосларнинг оёғи уларга тегиб кетса, омон қолишлари даргумон.

1963 йил 14 августда биолог Лионель Уолфорд Нью-Жерси штати қирғоғида узунлиги 12 метрга етадиган ярим шаффоф куртни (ёки илонни) кузатди. Доктор Карл Шукер диаметри икки метрлик “Шер ёли” медузаси ҳақида хабар берган. “Фэйт” номли Америка журналининг 2001 йил ноябрь сонидеги хабарга кўра 1973 йилда “Куранда” елканли кемаси вазни нақ 20 тонна, пайпаслагичларининг узунлиги 40 метргача келадиган “Шер ёли” медузаси билан тўқнашиб кетади. Доктор Шукер ва гувоҳларнинг тасдиқлашича, бир гал “Шер ёли” йирик наҳангни ютиб юборди.

### ВАХШИЙЛАР БИЛАН ТЎҚНАШУВЛАР

Ричард Эллиснинг “Денгиз ваҳшийлари” китобида (1994 йил) “Кент” кит овловчилар кемаси шифокори Томас Билнинг ғаройиб гувоҳлиги келтирилади. 1831 йили кема Япониянинг жанубий қисмидаги Бонин ороли бандагоҳида турарди. Шифокор кумли қирғоқ бўйлаб сайр этмоқчи бўлди. У кемадан қирқ-эллик қадамлар узоқлашганда беҳосдан қирғоқда ётган моллюскани босиб олди! Яъни бундан ҳақли чиққан саккизоёқ пайпаслагичлари билан унинг қўлига ёпишди. Икки ўртада олишув бошланди.

Яхшиямки “Кент” капитани яқин орада экан. У пичоғини олиб, моллюскага бир неча марта санчди. Шундан сўнг махлуқ шифокорни қўйиб юборди.

“Сан-Франциско Кроникл” газетасининг 1989 йил 27 декабрь сонидеги хабарига кўра саккизоёқ Минданао (Филиппин) ороли яқинидаги Илиган қўлтиғида йўловчи ташувчи моторли қайиққа ҳужум қилди. Орадан муайян вақт ўтгач, балиқчилар тўнтарилган қайиққа ёпишиб тирик қолган 12 нафар йўловчини топиб олишди. Жабрдийдалардан Агапито Кабалеронинг сўзларига қараганда, атрофга шом чўкиши билан сув тўлқинлана бошлаган. Чўнтак фонарларини ёққан йўловчиларнинг кўзи денгиз ваҳший махлуқига тушган. У пайпаслагичлари билан қайиқ-

Ўтган асрнинг 50-йилларида экранларга чиққан “Улар океан тубидан чиқишди”, деб номланган Голливуд фильмида ниҳоятда баҳайбат кальмарлар (осьминоғлар, яъни саккизоёқлар) ҳақида ҳикоя қилинган эди. Фильмда бу махлуқларнинг қирғоқда жойлашган шаҳарларда истиқомат қилувчи аҳолига даҳшат солгани тасвирланган. Хўш, мазкур сувости жониворлари ҳақиқатан ҳам шу даражада ваҳималими, уларнинг одамлар билан тўқнаш келиши ҳақиқатга тўғри келадими ёки буларнинг бари кинотриллер ижодкорларининг хаёл маҳсулими? Қуйида очерк муаллифи шу борада мулоҳаза юритилади.

## САККИЗ ОЁҚЛИ ҚАРОҚЧИЛАР



ни тўнтариб юборган. Аммо одамларга ҳеч қандай зиён етказмай яна сув остига шўнғиб, кўздан ғойиб бўлган. Жабрдийда йўловчиларнинг айтишича, махлуқ чуқурлиги ўн минг метрдан ошадиган Мариана ботиғида яшайди.

### ОКЕАН ТАЛОНЧИЛАРИ

Тинч океанда вазни икки юз килограммгача, узунлиги 6-8 метр келадиган саккизоёқлар учраб туради. Америкалик аквалангчилар Клейтон Фишер ва Жон Лашель Аляска қирғоғи яқинидаги 120 метр сув тубида жойлашган ғордан нақ олти метрлик, оғирлиги 90 кило келадиган саккизоёқни учратишди.



Доктор Карл Шукер улкан саккизоёқ макети билан.

1956 йилда аквалангчи Жек Маклин сузиб кетаётган саккизоёқнинг остига кириб ўзининг ҳаво баллонидан унга ҳаво пуракади. Моллюска чўчиб сув юзасига кўтарилганида уни аквалангчининг шериклари тутиб олишди. Ўлчаб кўришганида, махлуқнинг узунлиги саккиз метр, оғирлиги эса салкам икки юз кило чиқди! Кейинги йили март ойида Жек Маклин худди шу жойда 10 метрлик, вазни камида чорак тонна чиқадиган саккизоёқни учратди!

“Ғонолулу Адвертайзер” газетасининг 1936 йил 27 июль сониде

силди. Аниқланишича, сувости ваҳшийси океан юзасига ўлик наҳангни ўз домига тортиш мақсадида чиққан экан.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, саккизоёқлар кўпинча наҳанглар билан олишишар экан. Сабаби, наҳанглар уларнинг иштаҳасини кўзгашса керак. Бу денгиз йиртқичлари саккизоёқли махлуқларнинг “қўлига тушса” ҳоли нима кечишини



Луиза Уиппс ўзи топган номаълум денгиз жонивори қолдиқлари олдида.

Соломон (Сулаймон) ороли яқинида (Тинч океанида) 12 метрлик (!) саккизоёқ кузатилгани ҳақида хабар бо-

билишса керакки, жонлари борица жанг қилишади. Нима бўлганда ҳам саккизоёқлар ва наҳанглар мурасасиз душманлардир.

Эҳтимол, саккизоёқлар вазни 25 килограммгача етадиган яшил тошбақалар билан ҳам озикланишар. Чунки, биологларнинг кузатишича, “қароқчилар” яшил тошбақалар яшайдиган, кўпаядиган жойларда тез-

тез тўпланишиб “навбатчилик” қилишади.

### ДЕНГИЗ МАВЖУДОТЛАРИНИНГ ҚОЛДИҚЛАРИ

2001 йил август ойида денгиз тўлқинлари Ньюфаундленд ороли қирғоқларига (Атлантика океани) узунлиги етти метр, вазни нақ уч тонна келадиган, аморф ҳолатидаги махлуқнинг қолдиғини чиқариб ташлади! Махлуқнинг гўёки қовурғаси ва умуртқа поғонаси бордек, аммо боши кўринмасди. Унинг бутун танасини оқ юнг қоплаган эди.

Бундай номаълум денгиз жониворларининг сирли қолдиқлари 1896 йилдан бошлаб денгизлар ва океанларнинг қирғоқ бўйи аҳолиси томонидан тез-тез топилади. Уларнинг кўпчилиги пайпаслагичли бўлиши кузатилган.

Бу қолдиқлар наҳангларга, китларга ёки баҳайбат саккизоёқларга тегишли эканлигини доимо ҳам аниқлаб бўлмайди. Аммо 1896 йили Флорида қирғоқларида топилган топилмани ўз даврининг таниқли биологи А. Ж. Верилл улкан саккизоёққа тегишли деб топган.

Саккиз оёқли қароқчиларнинг ўлимига нималар сабаб бўлиши ҳақида фақат тахмин қилиш мумкин. Аммо уларнинг бир тури ҳаёт тарзи ҳақида аниқ гапириш мумкин. Бу турнинг урғочиси тухум қўйиб, сўнг албатта нобуд бўлади. Бундай хусусият айрим майда жониворларда ҳамда ҳашаротларда ҳам бор.

1878 йил 2 ноябрда Ньюфаундлендда яшовчи Стивен Сперринг икки ўртоғи билан балиқ овлаб юришган эди. Шунда қирғоқ яқинида улкан жисмга кўзлари тушди. Балиқчилар аввалига уни чўккан кема бўлаклари деб ўйлашди. Яқинлашишгач, унинг балчиққа ботиб қолган улкан саккизоёқ эканини кўришди. Махлуқнинг узунлиги олти метр, пайпаслагичларининг узунлиги эса 10 метр, кўзининг диаметри салкам ярим метр келарди. Балиқчилар жониворни илгакда тортиб, қирғоққа олиб чиқишди. Маҳаллий руҳоний уни кўздан кечириб Бостонда чиқадиган газетга хабар берди. Балиқчилар бўлса махлуқни чопиб, итларга улашишди...

Денгиз ва океанлар вақти-вақти билан ер юзасига ана шундай ҳайбатли мавжудотларни “тортиқ” қилиб туради. Бир китни тутишганида, унинг танасида саккизоёқнинг сўргичидан қолган, диаметри қарийб ярим метрга етадиган излар қолган эди. Демак, бу китга ҳужум қилишга журъат этган саккизоёқнинг узунлиги камида қирқ метр бўлган.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

Ушониш кийин, аммо ҳақиқат

## ҲАЗИЛ-МУТОЙИБАНИНГ НАФИ

“Одамлар бизнинг кунларда доимо ички безовталиқ билан яшашади. Ҳеч ким ўзини эртага нима қутаётганлигини билмайди. Бу ҳолат кишини хавотирга солади”, — дейди Канада руҳий зўриқиш муаммолари институти директори, доктор Ричард Эрл.

Ҳа, ҳозир кўпчилик асримиз “асабий” асрлигидан нолийди. “Руҳий зўриқиш” жумласи кундалиқ ҳаётимиздаги одатий жумлага айланиб қолди. Америкалик мутахассислар руҳий зўриқишдан сақланиш бўйича қатор маслаҳатлар беришади. Булар қуйидагилардан иборат:

— ўзингиз учун асосий мақсадларни белгилаб олиб, куч ва имкониятларингизни уларга эришиш йўлида сарфланг. Бу йўлдаги энг кичик ютуқлар ҳам кайфиятингизни кўтариб, руҳий ҳолатингизни яхшилайдди;

— ҳар биримиз кунора ёки ҳар кунни мажбурий фаолиятсизлик, иложсизлик ҳолатига тушиб тураемиз. Дейлик, навбат кутамиз, транспорт пойлаймиз ва ҳоказо. Руҳий зўриқишга мойил киши бунақа пайтлари тутақадди, асабийлашади. Яхшиси, бундай дақиқаларни кундалиқ ғам-ташвишлардан чалғишга сарфланг;

— ҳаётингизни ҳазил-мутойиба билан бойитинг. Корнель университети руҳшуноси, доктор Элис Айзеннинг кузатишича комедияларни, хусусан оила аъзоларингиз билан бирга томоша қилсангиз, асабий зўриқишлардан халос бўлар экансизлар;

— мусиқа ҳам ўзига хос руҳий терапиядир. Тез-тез ўзингизга ёқадиган куйларни тингланг.



## АНГИНА БИЗГА ЧЎТ ЭМАС!

Пасха оролида битилган табобатга оид қадимги китоблар ангинани ... кулгу билан даволашни маслаҳат беради. Бекорга эмас! Касаллик келтириб чиқарувчи микроорганизмлар ҳақиқатан ҳам ҳазилкашларга яқин йўламасликни маъқул кўришар экан. Нега дейсизми? Чунки уларнинг қаршилик қобилияти ғамгин, миянги кишиларга қараганда анча кучли бўларкан.

Энди шифокор маслаҳатига кулоқ осинг.

Касаллик бошида — томогингиз битиши билан ярим стакан қайнатилган илик сувга аралаштирилган бир стакан апельсин ёки анор шарбати ичинг. Булар топилмаса, бир стакан сувга беш фоизли спиртли йод эритмасидан беш томчи томзиб ичсангиз ҳам фойда қилади.



## ТЕЛЕВИЗОР ҲАМ ... СЕМИРТИРАДИ



Ливерпул университети тадқиқотчилари телевизор аёлларни семиртиради, деган хулосага келишди. Эртадан кечгача сериал, ток-шоу томоша қиладиганларнинг вазни аста-секин оғирлашиб бораркан.

## ТУТУН УЧУН 5,5 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИ!

Майами суди америкалик стюардесса Линн Френчнинг тўрт йирик тамаки компанияси устидан даъво аризасини қондирди. Даъвогар, ўз сўзига қараганда, учувчилар кабинасидаги тутунли ҳаводан нафас олгани учун сурункали синусит хасталигига чалинган. Линнинг ўзи умрида сигарет чекмаган. Суд тамаки компаниялари жабрдийдага товон сифатида 5,5 миллион АҚШ доллари тўлашлари лозимлиги ҳақида ҳукм чиқарди. Адвокатларнинг синусит инфекция орқали ҳам юқиши мумкинлиги тўғрисидаги эътирозлари инobatта олинмади. Кўрдингизми, тутатишдан олдин, унинг бошқаларга зиёни бўлишини ҳам ўйлаб кўриш керак.



## ДУНЁ ... ОҒИРЛАШАПТИ

Испанияда, шифокорларнинг таъкидлашлари-ча, семизлар сони тобора ортяпти. Аёлларнинг ҳар учтадан биттаси, эркекларнинг йигирма фоизи ортиқча вазндан нолийди. Шу ўринда болалар ўртасида ҳам семизлар ўн фоизни ташкил этишини таъкидлаш керак. Ҳар йили испан табobati семириш хасталигини даволашга қарийб 2 миллиард евро сарфлайди.

Мельбурнда Австралия аҳолисининг семизлиги муаммоларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Бу мамлакатнинг 50 фоиз аҳолиси ортиқча вазндан жабр чекади. Сўнгги 15 йил мобайнида ер юзида оммавий спорт ривожланганига қарамай, семизлар сони икки баробарга ошди.

## БАҚАЛОҚЛАР

АҚШлик энг семиз эркек Жон Бровер Миннок эди. Унинг бўйи 1 метру 85 сантиметр, вазни эса 635 килограмм келарди. Аёллар бу борада эркеклардан анча орқада қолган. Розали Брэдфорднинг бўйи 1,65 м, вазни эса “атиғи” 544 кг бўлган.

Висбаден шаҳри кутқарув хизмати ходимлари қийин аҳволга тушиб қолди — улар 300 килолик эркекни касалхонага олиб келишлари лозим эди. Уни замбилга солиб кўтаришга санитарларнинг кучлари етмади. Ёрдамга ўт ўчирувчилар келди. Улар махсус кўтарма кран ёрдамида беморни учинчи қаватдан пастга олиб тушишди.

## ЭРКАКЛИК ҚУВВАТИНГИЗ ОШАДИ

Қандай қилиб дейсизми? Бозордан бир килограмм ёнғоқ сотиб оласиз. Мағзини истанг — ташлаб юборинг, истанг — энг. Пўчоғини эса кострюлга соласиз. Устига икки литр сув қўйиб, то бир литр қолгунча қопқоғини ёпмасдан қайнатасиз.

Сўнг сузғичдан ўтқазиб шиша банкага қуясиз. Унга 300 грамм асал қўшиб, ҳар кун икки-уч марта элик граммдан ичинг. Қарабсизки, бир неча кундан кейин ўзингизни гининглаган тойдай бақувват сеза бошлайсиз.



## ГЎЗАЛ БЎЛАЙ ДЕСАНГ...

Марокашда, хусусан мамлакатнинг қишлоқ жойларида семиз аёллар гўзал ҳисобланади. Аммо табиатнинг ўзи ва оғир жисмоний меҳнат бунга тўсиқ бўлади. Шу сабабли жанубий вилоятлардаги қизлар турмушга чиқиш олдида семириш учун табиатдан махсус муолажа оладилар. Бу муолажа 40 кун давомида асосан кўп ва тўйимли еб-ичиш ҳамда кам ҳаракат қилишдан иборатдир.

ДУШАНБА

12

УзТВ - I
Телетомошабинлар диҳатига!
Профилактика муносабати билан душанба, 15 август куни "Ўзбекистон" телеканал кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

"Кувнок сеҳргарлик". 12.45 "Давр"-news.
13.05 Бояуддин Боймирзаев "Дуоибад" спектакли. 1-кисм.

УзТВ - II
8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр тонги.

"Кундуз амакининг хикоялари". Мультсериал.
18.10 "Мулк".
18.30 "Олтин мерос".

СЕШАНБА

13

УзТВ - I
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 - 8.35 "Ахборот".

23.05 "Ахборот - дайжест". 23.25-23.30 Ватан тимсоллари.
УзТВ - II
8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр.

ОРТ
5.00 Телеканал "Доброе утро". 8.00 Новости.

УзТВ - IV
РЖТ
6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.30 - 16.00

РПТ
3.50 - 7.00 УТРО НА РПТ.
4.00, 5.00, 6.00 ВЕСТИ.

30-канал
Соат 16.55гача профилактика
17.00 Шоу соати.

6.15 "Хронограф". 6.30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 6.40 "Экспертиза РТР".

НТВ
5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 "СЕГОДНЯ".

ОРТ
5.00 Телеканал "Доброе утро". 8.00 Новости.

6.15 "Хронограф". 6.30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 6.40 "Экспертиза РТР".

НТВ
5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 "СЕГОДНЯ".

ОРТ
5.00 Телеканал "Доброе утро". 8.00 Новости.

6.15 "Хронограф". 6.30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 6.40 "Экспертиза РТР".

НТВ
5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 "СЕГОДНЯ".

ОРТ
5.00 Телеканал "Доброе утро". 8.00 Новости.

6.15 "Хронограф". 6.30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 6.40 "Экспертиза РТР".

НТВ
5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 "СЕГОДНЯ".

ОРТ
5.00 Телеканал "Доброе утро". 8.00 Новости.

6.15 "Хронограф". 6.30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 6.40 "Экспертиза РТР".

НТВ
5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 "СЕГОДНЯ".

ОРТ
5.00 Телеканал "Доброе утро". 8.00 Новости.

ДУШАНБА

12

УзТВ - I
Телетомошабинлар диҳатига!

"Кувнок сеҳргарлик". 12.45 "Давр"-news.

УзТВ - II
8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр тонги.

"Кундуз амакининг хикоялари". Мультсериал.

ОРТ
5.00 Телеканал "Доброе утро". 8.00 Новости.

УзТВ - IV
РЖТ
6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.30 - 16.00

РПТ
3.50 - 7.00 УТРО НА РПТ.

6.15 "Хронограф". 6.30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 6.40 "Экспертиза РТР".

НТВ
5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 "СЕГОДНЯ".

ОРТ
5.00 Телеканал "Доброе утро". 8.00 Новости.

6.15 "Хронограф". 6.30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 6.40 "Экспертиза РТР".

НТВ
5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 "СЕГОДНЯ".

ОРТ
5.00 Телеканал "Доброе утро". 8.00 Новости.

6.15 "Хронограф". 6.30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 6.40 "Экспертиза РТР".

НТВ
5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 "СЕГОДНЯ".

ОРТ
5.00 Телеканал "Доброе утро". 8.00 Новости.

6.15 "Хронограф". 6.30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 6.40 "Экспертиза РТР".

НТВ
5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 "СЕГОДНЯ".

ОРТ
5.00 Телеканал "Доброе утро". 8.00 Новости.

6.15 "Хронограф". 6.30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 6.40 "Экспертиза РТР".

НТВ
5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 "СЕГОДНЯ".

ОРТ
5.00 Телеканал "Доброе утро". 8.00 Новости.









Бир кам дунё...



**ЧЕКДИГМИ — ТУРМАГА**

Эстонияда кескин қонун кучга кирди. Унга кўра, сигарет чеккан ҳомилалар аёлларга жарима солинади ёки улар беш йилгача муддатга қамалади. Чунки ҳомилалар аёлнинг чекиши “ҳали туғилмаган болага қасдан зиён етказиш” деб ҳисобланади.

— Қонуннинг маъноси, — дейди Тарту университети жинорий ҳуқуқ фани профессори Яан Соотак, — ҳомилани асраш ва бунда онанинг масъулиятини таъминлашдир. Лекин жазо чораси унча кўп қўлланилмайди, деб ўйлайман.

Шуниси қизиқки, жазо ҳомилалар аёлнинг кашанда эри, аёл ишлашга мажбур бўлган қовоқхона хўжайинига нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда жазони қўллаш мурраккаб бўлади: улар “аёлнинг юзига атайин тутун пуфлагани ёки залми ҳомиллага зиён етказиш учун тутунга тўлдиргани”ни исботлаш зарур.

**ЭРОНЛИК ҚОТИЛ**

Дунёда фоҳишалар, гиёҳвандлар ва гиёҳфурушлар Эрондагидай беомон жазоланадиган бошқа бирор мамлакат топилмаса керак. 1979 йилги ислом инқилобидан сўнг фоҳишалик узил-кесил тақиқланди. Аммо яқинда газеталарда босилган Саед Ханайнинг қилмишлари ҳақида хабар мамлакат аҳолисини ларзага солди.

Машҳадлик 40 ёшли бу курувчи 16 нафар фоҳишани ўлдирганликда айбланиб, дорга осилди. Ҳукм Машҳад қамоқхонасининг ҳовлисида ижро этилди. Бунда одатга зид равишда айбдорнинг қариндош-уруғлари ичкарига қўйилмади. Репортёрларга фақат унинг мурдаси кўрсатилди.



Қотил тергов ва суд пайтида ўз айбини бажонидил тан олди. У, афтидан, Оллоҳнинг амрини бажардим, деб гурурланарди. “Бундай аёлларни қатл қилиш, суваракни эзиб ташлаш билан баробар”, деди у. Саед Машҳад кўчаларида 25 дан 50 ёшгача бўлган фоҳишаларни осонгина топган, фарзандлари билан хотини йўқлигида уйига олиб борган. Аёлларни чодрасига ўраб ўз рўмоли билан бўғиб ўлдирган. Қотил ҳеч афсусланмай Оллоҳ Машҳадни ифлослардан тозалашни буюрганини айтди.

Полиция жиноятчини бир йилдан ортиқ қидирди. Фоҳишаларнинг кетма-кет ўлдрилиши матбуотда катта шов-шув кўтарилишига сабаб бўлди. Васасадан асраш учун полиция 500 дан ортиқ фоҳишани қамоқда ушлаб турди.

Кўпчилик эронлик диндорлар Саеднинг қилмишида шариат меъерига зид нарса йўқлигини айтмоқдалар. Бошқалар эса қотилнинг жинояти қандай диний либосга ўралмасин, барибир жазоланиши тарафдори.

Аслаҳахона

**ТАНИШИНГ: “ЯРИГИН” ТЎППОНЧАСИ**


Россия жанговар тўппончалар “онласи”да мамлакат ва хорижда ишлаб чиқарилаётган машҳур “ПМ” (Макаров тўппончаси) тоифасидаги, шунингдек америкалик офицерларнинг севимли қуролига айланиб улгурган Италия “беретта”сини доғда қолдира оладиган янги турдаги қурол пайдо бўлди.

Ушбу тўппонча Ижевск механика заводида яратилди. Унга “ПЯ” (Яригин тўппончаси) деб ном берилди. Владимир Яригин жаҳонга донғи кетган муҳандис-конструктордир. Бунгача у Жаҳон, Европа чемпионатлари ва Олимпиада ўйинларида кўп марта олтин медални қўлга киритган “Иж-35” русумдаги спорт тўппончасини кашф этган.

Хўш, назорат ташкилотлари эътиборини ўзига тортиб улгурган янги тўппонча қайси жиҳатлари билан афзал? Сафдошларидан фарқли ўлароқ унинг ўқдонига 8та эмас, 17та патрон кетади. Бу эса эгасига фавқулодда вазият юзага келганда, айниқса ҳаёти хавф остида қолганда вақтдан ютиш имконини беради. Бундан ташқари, унинг 9 мм ли ўқи патронлари юқори даражали

тешиб ўтиш қобилиятига эга. У 25-30 метрдан энг мустаҳкам зирҳли нимчадан, (бронжилетдан) ўта олади. (Оддий ўқлардан бундай пайтда эзилган жой қолади, холос). Тўппонча конструкцияси ўнг ва чап қўлда отадиганлар учун қулай қилиб яратилган.

— Кейинги қирқ йил ичида армияда конструкцияси мукамал ва Ижевск механика заводида муттасил ишлаб чиқарилаётган “Макаров” тўппончаси муваффақият қозониб келди, — дейди Яригин. — Аммо 90-йилларнинг бошида ўқи кучли ва ўқдонни катталаштирилган қурол кашф қилиш талаб этилди. Зеро, жаҳондаги аксарият



мамлакатлар армияларида зирҳли нимча (бронжилет) билан ҳимояланиш одат тусига кирди. Бундан ташқари улар “мўъжизавий тўққизлик” деб номланган 9 мм ли “парабеллум” патронлар жойланган, ўқдони катталаштирилган тўппончалар билан таъминлана бошланди. Шу боис олдимизга хорижий қуроллардан ўтадиган ва ҳар қандай зирҳни ёриб ўтишга қодир қурол яратиш вазифаси қўйилди. Саккиз йиллик изланишлар натижасида “ПЯ” дунёга келди...

**ВАХШИЙ**

Россиянинг Брянск вилояти жанубида одамлар даҳшатга тушиб қолди. Улар ўрмонга киришга қўрқардилар, қоронғу тушиши билан уйга беркинардилар. Чунки шу атрофда одам қиёфасидаги махлуқ юрганини билишарди. Тўрт марта судланган, Украинада одам ўлдирган рецидивист Валерий Калинин Россияга қочиб ўтган эди. У бу ерда ҳам ўзига бошпана берган эр-хотиннинг жонига қасд қилди.



Унинг тўдаси бир неча ой мобайнида қатор босқинчилик, зўрлаш, қотиллик жиноятларини содир этди. Уларнинг қўлида жами беш киши ҳалок бўлган.

Валерий қўшнисини ўлдиргач, ноқонуний хотини Светланага “йиғиштир нарсаларингни, Россияга кетамиз”, деб буюрди. Аёл “йўқ” дея олмади.

Улар ўрмонун далаларда бир ой дайдиб юриб, яширинча чегарадан ўтишди. Қочоқлар ташландиқ бирор кулда тунамоқчи эдилар. Йўлда бир шиша қўлбола мусаллас кўтарган киши учраб қолди. У Валерийга уйида тунаб қолишни таклиф қилди.

Эрталаб уйга қўшни аёл бош суқди. У меҳмонларни янги кулпунга билан сийламоқчи эди. Бироқ аёл эр-хотин қўшнилари чўзилиб ётганини кўрди. У “яна бўкиб ичишибди”, деб ўйлаб қўшнисини туртди. Қараса, танаси муздай...

Қотилнинг изини милиция участка инспектори топди. У бир кишиникида номаълум аёл яшаётганини эшитиб, паспортини текширгани борди. Аёл қотилнинг хотини Светлана Берикова эди.

Қотил Валерий фирт маст ҳолда қотиб ухлаб ётганда қўлга олинди.

**КОЛОНИЯДА СИНОВ**

Саратовдаги ахлоқ тузатиш муассасаларидан бирида геология коллежи ишга тушди. Ўқининг пуллик эканлигидан абитуриентлар норози эмас. Битта ўринга уч киши ҳужжат топширди.

Муассасада пармалаш қурилмалари учун механиклар тайёрланади. Чунки ҳозир бу касбга талаб катта. Имтиҳон топшириш учун тенгламани ечиш ва гапнинг эга, кесимини топиш керак бўлади.

Февраль ойида биринчи курсга қабул қилинганлар учун дастлабки сессия бошланади. Ўқитувчилар талабаларни муассасадаги энг намунали турушга айлантиришга ваъда бермоқдалар.

Муассасадаги заводда ишлаётган талабалар таҳсил олиши учун ишхонасидан пул ўтказилади. Қолганлар учун ота-онаси тўлайди.



О. ФАРМОН тайёрлади.

Турфа олам




**ЕВРОПАДА ЭНГ БАЛАНД**

Лондонда Европадаги энг баланд осмонўпар бино бунёд этишга қарор қилинди. Буюк Британия пойтахти меъморларининг таъкидлашича, Темза соҳилида қад кўтарадиган ушбу бинонинг баландлиги 306 метрга етади. Лондоннинг Саутуорк туманида қуриладиган бу бинони 5 йилда битказилиши режалаштирилмоқда.

Ҳозирча эса Франкфурт-Майндаги баландлиги 299 метр бўлган тижорат банки биноси Европада энг осмонўпар ҳисобланади.

**БИРИНЧИ ШАҲАР ҚАЙСИ?**

Цюрих шаҳарлар ўртасида яшаш даражаси бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллади. Вена ва Ванкувер иккинчи, Женева учинчи, Сидней тўртинчи ўридан жой олди. Шунингдек, Копенгаген, Франкфурт ва Хельсинки ҳам дастлабки ўнликка кирдилар.



Таққослаш учун, масалан Бағдод 212-ўринда. Нью-Йорк, Лондон, Вашингтон, Мадрид ва Бостон 40-ўринни бўлишиб олишди. Москва, ҳатто 300-ўридан ҳам ортда қолди.

Бундай шаҳарлар танловида иқтисодиёт, ижтимоий вазият, инсон ҳуқуқларига риоя этиш, фуқаролар шахсий хавфсизлиги, жиноятчилик даражаси, атроф-муҳит, соғлиқни сақлаш, таълим даражалари каби жами 40 та омил эътиборга олинди.

**БАХТЛИ БОЛАЛИК**

**ХОСИЯТИ**

Рухшуносларнинг фикрича, болалиги ва ўсмирлиги бахтли ўтган кишилар омадсиз тенгдошларига нисбатан 10 йил кўпроқ умр кўришар экан.

**РЕКОРДЧИ... КУЁВ**

78 ёшли мисрлик Мустафо Самадни бу ёруғ дунёнинг мўъжизаларидан бири дейиш мумкин. У 1947 йилдан буён 203 марта... уйланди. Аммо Мустафо ушбу натижа билан ҳам кифояланмоқчи эмас. Ахир, дунёда гўзал аёллар ҳали жуда кўпда!..

**СУВ ОСТИДА.. НИКОҲ**

**МАРОСИМИ**

Баъзи бир мамлакатларда нафақат осмонда, балки сув остида ҳам никоҳдан ўтиш удумга айланган. Яқинда Малайзиядаги бир никоҳ агентлиги бу борада яна бир янгиликка қўл урди. У биринчи никоҳ кечасини сув остида ташкил этишдек янги хизмат турини йўлга қўйди. Ҳа, ҳали ҳеч бунақаси бўлмаган!..



А. ИСОМИДИНОВ тайёрлади.

ТАНЛОВ

ТАНИШИНГ:  
БИЗНИНГ ГОЛИБЛАР



«Постда» ва «На посту» газеталаридаги ютуқли сканвордлар ғолиблари Республика «Қуриқлаш» Бирлашмаси бўлинмаси ходими **МОҲИРА НИЯТОВА** ва истеъфодаги милиция майори **ЕВГЕНИЙ ПАВЛОВИЧ БРАГИН**.

Газетамизнинг  
30-сонида эълон қилинган  
«Ютуқли сканворд»  
танловида калит ибора –  
«Дўст - дўстнинг ойнаси».

Танловда Тошкент вилояти Қибрай туманидан **М.Тишанова** тўғри жавоб йўллаб ғолибликни қўлга киритди.

Тошкент шаҳри Юнусобод туманидан **М.Шомуродов** ва ИИВ Тиббиёт бошқармаси ходими **С. Ҳамидовлар** эса «Постда» газетасига йилнинг охиригача обуна қилинадиган бўлди.

Танлов давом этади.  
Зукқоларни мукофот кутмоқда.

Тўкин дастурхонингизга

ОЛМАЛИ ПИРОГ

Зарур масаллиқлар: 500 грамм ун, 750 мл сут, 30 г хамиртуруш, 120 г шакар, таъбга кўра туз, 2 ош қошиқ ванилин упаси, 2 дон тухум, 4 ош қошиқ ўсимлик ёғи, 40 г крахмал, 500 г қаймоқ, 1 кг тозаланган олма, 50 г бодом ёки ёнғоқ мағизи.

Тайёрлаш

1. Унга 250 мл илиқ сутни қуйиб, майдаланган хамиртуруш ва 1 чой қошиқда шакар кўшинг. Ҳаммасини аралаштириб, 15 дақиқа тиндириб. 50 г шакар, туз, ванилин упаси, тухум, ёғни қўшиб, хамирни ийланг ва ошгунча сочиққа ўраб қўйинг.

2. 6 ош қошиқ сутга крахмални аралаштиринг. Сутнинг қолганига шакар қўшиб, оловда қайнаш олди ҳолига келтиринг (қайнаб чиқмасин). Крахмални қўшиб, совутинг. Кейин қаймоқ қўшинг. Духовкани 180° С гача қиздириб.

3. Хамирни газ плитаси патнисига солиб, ёйинг. Унга юқоридаги аралашманинг ярмисини қуйиб, устига олмаларни бир текис қилиб теринг. Олмаларнинг орасини ҳам аралашма билан тўлдириб. Мағизларни сепинг. 15 дақиқа тиндириб, кейин духовкада 30 дақиқа пиширинг.

МУКОФОТЛИ  
СКАНВОРД  
5000  
сўм

Калит сўзларни топиб,  
жавобни таҳририятга биринчи бўлиб  
йўллаган муштарийни  
5000 сўм пул мукофоти кутмоқда!  
Ғолиб хатжилдларда кўрсатилган сана  
бўйича аниқланади.

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
		13	1	...-товуқ				2	Ифлос					
Қиғдан... ахтариш	Намуна	Ховлининг аёллар турадиган қисми	Қўроқанда «ерилмайдиган» нарсаси	Хабар	Кент, град	Хат	Ялғиз маълумот	Давлат мадҳияси						
Тамегирик			Эркеклар номи			Кўйилекнинг «пачаси»								
Тошкент милицияси нашри	Намозга чакирув	Кўрсатиш опмоши		Тез чопадиган	Елкадаги ялғиз суяк	Ҳазилг...	Улкан, бутак							
			Рамазон ойи	Хунара		Суднинг қарори								
	Кўйлар тўдаси			Тухум бооувчи товуқ	Тамомилла									
	Исира	Бармоқ беази	Банкдан олдинги ёрдам	... юрванг таёқ ёксан	Кенг дала	Моҳир	Авзо, кўриниш	Ўтмиш						
			Тутуннинг йўғи			4	Автобус русуми							
Ҳалигача	Киркорнинг хотини						3	Еттинчи нота						
Ер ости «трамвайи»	Тўп	Тўйма-тўй кушиқ айтиш	Талабчан	Қапашников автомоти	Этиқнинг бир пойи	Пешона ёки бурундаги яра	Ички							
			Яқуний боқич			9								
	Фирибгар	Ҳасис	Юқумли касоал-гипик		Белги	Душман	Ҳарбий бошқарув органи	Обқ қисми	Салғат тури					
			Сичқоннинг минг тангаллик уй-жойи		Мой		10	Туннинг «ранги»						
	Қатор	Рожа рафиқаси			15	Болғовчи		«Емон кўз», кинна						
			Дағиллий		12		Кўнде-ланг «бўй»	...-жавоб						11
Агент 007	Калит	Орфография		Қониқароиз баҳо	Шикоят	Асбоб	Содда, оино							
			Чирой берувчи нарос	Ниначи			7							
	Нодон	Арчанинг доғлами	Илмоқ		6	Дўстлаш	Кийим, либос	Чирой	Ўлим					
				Олтин фаол			Кўшанинг олд томони							
	Нахотки	Семиз	Нокос				Жиззахдаги туман							
Энг узун-таътип вақти		Биринчи нота		Дўконлар маъмури	Байрамдан олдинги кун	Чорва моллари «тоқ-хонясси»							Имо...	
	Бугдой маъмули	Бошларга ўхшамайдиган					Жамият ячейкаси	Хуруфий наросларга ишонич						
			...-сур		Антонио							Юк авто-мобици русуми	Катта халта	
Куровт. опмош	Безак, зийнат		14		Суюқлик ўпчови бирлиги							Қора (ант-м)		
		Қопил	Яхши, яъло					Қарорнинг беақ-риплиши						
	Геометрик шакл	5	Кўйнинг «уйи»		...-хаё							Цирк «бўйруғи»		







